



« 17 » сентябр 2017 й.

Наманган шаҳри 744 -сонли

Вилоятда эрта никоҳ, оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, туғилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг туғилишини расмийлаштириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш ҳақида

Вилоятда эрта никоҳ қурувчилар, оилалар ўртасида ажралишлар ва бир неча йиллардан буён туғилиши қайд этилмаган болалар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тобора ошиб бораётганлиги, ушбу ҳолатлар шундай оилалар фарзандларининг хулқ-атвори ва тарбиясига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкинлиги, фуқароларнинг оила ва маҳаллаларда тинч-осойишта ҳамда ҳамжиҳатликда яшашига кўмаклашиш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, оила ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Муродов томонидан 2017 йил 12 июлда Наманган вилояти прокуратурасида ўтказилган йиғилишда қайд этилган вазифаларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)нинг 6 ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят Хотин-қизлар кўмитаси (Х.Юсупова), вилоят адлия бошқармаси (С.Нуриев), фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди (А.Шукуров), вилоят Ички ишлар бошқармаси (А.Тошпўлатов), Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгаши (М.Ходжаев), “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими (И.Нажмиддинов), Республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими (С.Муҳитдинов), Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг вилоятдаги вакили (А.Турсунов) оилавий ажралишларни олдини олиш, шунингдек нотинч оилаларни яраштириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш бўйича таклифлари маъқуллансин.

2. Куйидагилар:

вилоятда эрта никоҳ, оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, туғилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг туғилишини расмийлаштириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш бўйича мувофиқлаштирувчи вилоят ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ деб аталади) таркиби 1-иловага мувофиқ;

вилоятда эрта никоҳ, оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, туғилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг туғилишини расмийлаштириш бўйича профилактика чора-тадбирлари режаси 2-иловага мувофиқ;

мувофиқлаштирувчи вилоят ишчи гуруҳининг ҳар бир маҳалла учун масъул бўлган кичик ишчи гуруҳи аъзоларининг намунавий таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят Ишчи гуруҳининг (Х.Юсупова) асосий вазифалари этиб куйидагилар белгилансин:

ишчи гуруҳнинг самарали фаолиятини ташкил этиш ҳамда унинг фаолиятини амалга оширишни мониторинг қилиш;

ишчи гуруҳи фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда иш режаларини тасдиқлаш;

туман ва шаҳар комиссия аъзоларидан эрта никоҳ, оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, туғилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг туғилишини расмийлаштириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш бўйича ҳисоботларни ҳар ойнинг 5 санасига қадар қабул қилиш ва таҳлилий маълумотлар тайёрлаш;

тайёрланган таҳлилий маълумотларни умумлаштирган ҳолда вилоят ҳокимлигига ахборот киритиш ва ҳар чоракда камида бир мартаба ишчи гуруҳ ҳамда комиссия аъзолари иштирокида йиғилишлар ташкил этиш.

Бунда асосий эътибор оилавий ажрим масаласи бўйича ваколатли идораларга мурожаат қилган пайтдан эмас, балки никоҳга кирувчи шахсларнинг никоҳ қайд этилишидан аввал никоҳга кирувчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида доимий равишда профилактик суҳбатлар ва тарбиявий мазмундаги маърузалар билан иштирок этилишига бирламчи вазифа сифатида қаралсин.

4. Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимлари:

3-иловада келтирилган намунавий ишчи гуруҳи таркибидан келиб чиққан ҳолда маҳаллалар кесимида масъул шахслар таркибини

шакллантирсин ва тасдиқланган рўйхатини 2017 йил 5 октябрь кунига қадар вилоят ҳокимлигига киритсин;

мазкур қарор талаблари асосида тегишли ҳужжатлар қабул қилган ҳолда зарур чора-тадбирлар белгиласин ҳамда ижросини доимий равишда назорат қилиб борсин.

5. Вилоят Ишчи гуруҳи (Х.Юсупова):

Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда эрта никоҳ, оилавий ажралишларни олдини олиш, шунингдек, нотинч оилаларни яраштириш, туғилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ва уларнинг туғилишини расмийлаштириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин;

вилоятнинг барча ҳудудларидаги мавжуд ҳолатни ўрганиб чиқиб, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг ишчи гуруҳлари тавсиялари асосида кенг жамоатчилик вакиллари жалб этган ҳолда ҳуқуқбузарликларни ва оилавий ажралишларни олдини олиш ҳамда нотинч оилаларни яраштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, тарғибот ишларини жадаллаштириш орқали жамият ҳаётига тизимли татбиқ этсин.

Эрта никоҳ, оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, шунингдек ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича жамоатчилик фикрини инобатга олмайдиган фуқароларни маҳалла фуқаролар йиғинига таклиф қилиб, масалани маҳалла ва меҳнат жамоасида муҳокама қилиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш тавсия этилсин.

туман (шаҳар) ҳокимлари ва вилоят адлия бошқармаси билан биргаликда:

аҳоли ўртасида оиланинг муқаддаслиги, қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини ҳаётий, таъсирчан мисоллар асосида тушунтириш;

“Оила - жамиятнинг асосий бўғини”, баркамол авлодни тарбиялаш ва халқимиз маънавиятини юксалтириш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишлари эканлигини ҳисобга олиб ҳамда қонун ҳужжатлари, миллий қадриятлар ва маҳаллий урф-одатларга таянган ҳолда, оилалар ва маҳаллаларда оилавий низоларнинг юзага келишини олдини олиш, соғлом оила институтини янада мустаҳкамлаш, ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишиши ҳамда тўйлар ва бошқа маросимларнинг миллий қадриятларимизга хос тарзда ўтказилишини таъминлаш, бу борадаги илғор тажрибалар ҳамда ибратли илмий ёндошувлардан кенг фойдаланган ҳолда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида, маҳалла фуқаролар йиғинларида жорий этилишини таъминлаш;

ишчи гуруҳ томонидан оилавий низолар, асосан тўй ва тўйдан олдинги сарф-харажатларни керагидан ортиқ эканлиги, ёш оилаларни турмуш тарзига тўғри ёндашишга кўмаклашмаслик, уларни тарбиясига эътиборсизлик ҳолатлари, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиши, ичкиликбозлик ҳамда гиёҳвандлик иллатларига берилиши, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши - оилалар барбод бўлишининг асосий сабабларидан бири эканлигини, оилалардаги тинч-тотувлик маҳаллалардаги маънавий муҳит барқарорлиги, шунингдек, оиланинг соғломлиги жамият мустаҳкамлиги ҳамда мамлакат барқарорлиги билан узвий боғлиқлигини аҳолига тушунтириш ҳамда мазкур масалаларни фуқаролар йиғинларининг вакиллар йиғилишларида муҳокама этиб бориш;

жойлардаги ФХДЁ органлари томонидан йигит ва қизларни тўйдан олдин оила қуришга руҳий-маънавий жиҳатдан тайёрлашга кўмаклашиш, оила муқаддас даргоҳ эканлиги тўғрисида тарғибот ишларини ташкил этиш, оиланинг муқаддаслиги ва жамиятнинг асосий бўғини эканлигини ёшлар онгига сингдиришга қаратилган ташвиқот ишларини амалга ошириш, никоҳ шартномаларини расмиятчилик учун эмас, балки амалий, аниқ ва равшан тарзда тузилишини таъминлашни йўлга қўйиш;

маҳаллаларда оилаларнинг муаммоларини маҳалла фаоллари, нуроний оқсоқоллар, дин вакиллари, профилактика инспекторлари ва педагог-психологлар иштирокида бевосита жойига бориб, очиқ мулоқот ўтказиш орқали ўрганиш, низоли оилалар муаммоларини чуқур таҳлил этиш;

туман (шаҳар) вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларини жалб этиш ва уларнинг масъулиятини ошириш орқали оилалардаги ёш авлод, яъни фарзандларнинг тарбияси, уларнинг келажаги билан боғлиқ масалаларни муҳокама этишда фарзандларни ота-оналаридан ажратмаслик бўйича зарур чора-тадбирларни кўриш;

тегишли давлат идораларида қонуний қайд этилмаган “никоҳ”дан туғилган фарзандларнинг тақдири, эртанги келажаги, уларни давлат қонунлари бўйича айрим ҳуқуқлардан маҳрум бўлиб қолиши, хусусан, оталикни белгилаш, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олиш, мерос ҳуқуқи, ўсиб-улғайганидан кейин боғчага, таълим муассасаларига қабул қилиш масалаларидаги учрайдиган муаммолар, айниқса бундай болаларни руҳан мажруҳ бўлиб, турли маънавий нуқсонлар билан вояга етиши, бу билан уларнинг ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси деб ҳис эта олмаслигини олдини олиш бўйича амалий чораларни ташкил этиш;

фуқароларнинг шаръий (ноқонуний) никоҳ асосида оила қуришига йўл қўймаслик, шаръий (ноқонуний) никоҳ қурган оилаларни аниқлаш, бунинг сабабларини ўрганиш бўйича зарур чораларни кўрсинлар.

6. Ўзбекистон Мусулмонлар идораси вилоят вакили (А.Турсунов)га:

имом-хатиблар томонидан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органидан (ФХДЁ) берилган ҳужжатга эга бўлмаган шахслар, айниқса ёшларга яширинча шаръий никоҳ ўқитиш, хотин устига хотин олиш (қўшхотинлик) ҳолатларини аниқлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга яқиндан кўмаклашиш;

имом-хатибларнинг кунлик иш фаолиятида ҳамда жума кунлари қиладиган маърузаларида оилавий ажримларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш масалаларига урғу бериб, аҳоли эътиборини ёшлар тарбияси, ота-онанинг масъулияти, оила муқаддаслиги, шаръий ва қариндошлар ўртасидаги никоҳ муносабатларини олдини олиш, расмий давлат идораларида қайд этилмасдан “никоҳ”дан туғилган фарзандларнинг келажаги, уларнинг ўсиб-улғайишлари давомида учрайдиган муаммолар, бундай болаларни руҳан мажруҳ бўлиб, турли маънавий нуқсонлар билан вояга етиши ва ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси деб ҳис эта олмаслиги каби масалаларни кенг ёритишга қаратиш тавсия этилсин.

7. Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари:

ўз ҳудудидаги оиланинг энг яқин маслаҳатчиси бўлишлари, ҳар бир оилада юзага келаётган муаммоларни ўрганиш, ноҳуш ҳолатларни аниқлаш ва бу ҳақда тегишли идораларга зудлик билан хабар бериш ва бартараф қилиш;

туғилганлиги қайд қилинмаган болалар ҳақида зудлик билан ҳудудий ФХДЁ бўлимларини хабардор қилиш чораларини кўрсинлар.

8. Вилоят адлия (С.Нуриев), Ички ишлар (А.Тошпўлатов) бошқармалари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди (М.Ходжаев), “Нуроний” жамғармаси (И.Нажмиддинов) вилоят бўлимлари, “Ёшлар иттифоқи” вилоят Кенгаши (И.Рахимов) Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда фуқаролик ишлари бўйича судлар билан ҳамкорликда:

оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш тарғибот тадбирларини жойларда сайёр тарзда мунтазам амалга оширилишини таъминлансин ва ҳар ой якуни билан келгуси ойнинг 5 санасига қадар вилоят ҳокимлигига маълумот киритиб борсин.

амалга оширилаётган ишлар вилоят адлия бошқармаси ҳузурида ташкил этилган “Оилаларни ўрганиш штаби” томонидан ҳар ойда мувофиқлаштириб борилсин ва натижалари юзасидан вилоят ҳокимлигига келгуси ойнинг 5 санасига тақдим этиб борилсин.

9. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси (Х.Юсупова) “Маҳалла” хайрия жамоат фонди (М.Ходжаев), Ўзбекистон Мусулмонлари идораси вилоят

вакиллиги (А.Турсунов) шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда никоҳдан аввалги, тўй ва бошқа маросимлардаги (куда-андалар ўртасидаги) олди-бердиларни ихчамлаштириш, уларни камчиқим ва камхарж қилиб ўтказиш юзасидан аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ва тарғибот ишларини жадал ва мунтазам олиб бориш чораларини кўрсин ва назоратга олинишини таъминласин.

10. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (С.Мўминов)га:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарорига мувофиқ соғлом оилани шакллантириш, ирсият билан боғлиқ туғма ногирон болалар туғилишини олдини олиш мақсадида никоҳланувчи шахсларни тиббиёт муассасасига мурожаат қилган кундан бошлаб қисқа муддатларда сифатли тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминлаш;

қариндошлар ўртасида никоҳ қурилишини олдини олиш бўйича никоҳланувчиларга унинг салбий оқибатларини тиббий ёндошув асосида ишончли мисоллар билан тушунтириш;

фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари билан биргаликда жойларда малакали ходимларни жалб этган ҳолда аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида тиббий кўрикдан ўтиш масалалари долзарб эканлиги бўйича тарғибот ташвиқот ишларини тизимли ташкил этиш вазифалари топширилсин.

11. Вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси (З.Мансуров), вилоят телерадиокомпанияси (М.Мақсудов), “Наманган ҳақиқати” (М.Парпиев), “Наманганская правда” (В.Бичурин) газеталари таҳририяти ва бошқа оммавий ахборот воситаларига оила муқаддаслиги, ёшлар тарбияси, ота-оналар масъулияти, шаърий ва қариндошлар ўртасидаги никоҳ муносабатларининг салбий оқибатлари, оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, оила ва турмуш доирасидаги, шу жумладан қонуний қайд этилмаган “никоҳ”дан туғилган фарзандлар ҳаёти давомида учрайдиган муаммолар ва уларнинг ечимлари, уларни жамиятга тўлақонли аъзо сифатида руҳан қайтаришга оид тарғибот ташвиқот ишларини ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Ушбу қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида расман эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

13. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг соҳа бўйича ўринбосарларининг зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Х. Бозаров

**Вилоятда эрта никоҳ, оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, туғилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг туғилишини расмийлаштириш бўйича профилактика чора-тадбирларни ташкил этиш бўйича мувофиқлаштирувчи вилоят Ишчи гуруҳи
ТАРКИБИ**

Раис:

1. Х.Юсупова Вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси

Раис ўринбосарлари:

2. С. Нуриев Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи
3. А.Тошпўлатов Вилоят ИИБ бошлиғи
4. А.Шукуров фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судининг раиси

аъзолари:

5. М.Ходжаев “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси
6. И.Нажмиддинов “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раиси
7. Б.Тожиматов Вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи
8. В.Ражапов Вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи
9. С.Мўминов Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
10. Н.Қўчқоров Вилоят Маданият бошқармаси бошлиғи
11. И.Рахимов “Ёшлар иттифоқи” вилоят Кенгаши раиси
12. А.Турсунов Ўзбекистон Муслмонлари идораси вилоят вакили
13. С.Мухитдинов Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари
14. З.Мансуров Вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи
15. М.Мақсудов Вилоят телерадиокомпанияси раиси
16. М.Парпиев “Наманган ҳақиқати” газетаси бош муҳаррири

Вилоятда эрта никоҳ, оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, туғилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг туғилишини расмийлаштириш бўйича профилактик ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	Аҳоли ва ёшлар ўртасида никоҳ ва оила ҳуқуқи, оила маънавияти, оила маърифати тўғрисида, шунингдек ноқонуний никоҳ, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари тўғрисида тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш.	1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, уларни тарғибот материаллари билан таъминлаш. 2. Тушунтириш ишларини ҳар бир маҳалла, корхона, ташкилот, таълим ва тиббиёт муассасаларида ташкил этиш. 3. Маҳаллада ўтказиладиган тадбирларга ижтимоий фаол бўлмаган аҳолини жалб этиш.	2017 йил, октябрь режа асосида	“Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, Шаҳар ва туман ҳокимликлари
2.	Аҳоли, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасида фарзанд тарбиясида ота-она бурчи ва масъулияти, ёшларни оилавий ҳаётга ҳар томонлама тайёрлашнинг моҳияти ва аҳамияти, тўй ва бошқа тадбирларни ихчам ва тартибли ўтказишга қаратилган тадбир	1. Малакали тарғиботчилар гуруҳини шакллантириш, уларни тарғибот материаллари билан таъминлаш. 2. Ҳудудлар кесимида тарғибот ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш. 3. Тарғибот тадбирларини маҳаллаларда ижтимоий фаол бўлмаган аҳоли ўртасида, корхона, ташкилот ва барча таълим ҳамда	2017 йил, октябрь-декабрь октябрь алоҳида жадвал асосида	Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, Шаҳар ва туман ҳокимликлари

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
	(давра суҳбати, учрашув, якка тартибда тушунтириш)ларни ташкил этиш.	тиббиёт муассасаларида ишчи-ходимлари ўртасида тизимли ташкил этиш.		
3.	Фуқаролар йиғинларида ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари оилавий ажрим бўйича аризаларни кўриб чиқиш мақсадида сайёр судларни ташкил қилиш ва ўтказиш	<p>1. Фуқаролик ишлари бўйича туман, шаҳар суди билан келишилган ҳолда сайёр судда иштирок этувчилар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Рўйхат асосида уларнинг иштирокини таъминлаш.</p> <p>3. Оилаларни яраштиришнинг таъсирчан чорасини кўриш.</p>	2017 йил октябрь ойидан бошлаб, режа асосида	Фуқаролик ишлари бўйича судлар, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, Шаҳар ва туман ҳокимликлари
4.	Фуқаролар йиғинларида “Қайноналар кенгаши” жамоатчилик тузилмасини ташкил қилиш ва кенгаш фаолиятини тизимли ташкил этиш.	<p>1. Кенгашни ҳар бир фуқаролар йиғинларида ташкил этиш.</p> <p>2. Унинг таркибига фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган обрў-эътиборли, бой ҳаётий тажрибага эга зиёли кайвони онахонлар, фидойи, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, маҳаллада ўзининг намунали хулқи билан обрў-эътибор қозонган, бошқаларга тарбиявий таъсир ўтказа оладиган фаол аёл(қайнона)ларни жалб этиш.</p> <p>3. Кенгашнинг самарали фаолият олиб бориши учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда услубий</p>	2017 йил 20 октябрга қадар Доимий	“Маҳалла” хайрия жамоат жамоат фонди, Хотин-қизлар кўмитаси, Шаҳар ва туман ҳокимликлари

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
		ва амалий кўмаклашиш		
5.	Худуддаги ёш келинлар ўртасида “келинлик масъулияти”, “янги қайнона”лар ўртасида “қайнона бўлиш масъулияти” тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш	<p>1. Доимий равишда худуддаги ёш оилалардаги келинлар ва “янги қайнона”лар рўйхатини янгилаб бориш.</p> <p>2. Улар ўртасида таъсирчан тарғибот тадбирлари, шунингдек яқка тартибда тушунтириш ишларини олиб бориш.</p>	2017 йил доимий Режа асосида	Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Шаҳар ва туман ҳокимликлари
6.	Эрта никоҳларнинг олдини олиш	<p>1. Худуддаги таълим муассасаларида ўқувчилар, айниқса қизлар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, айрим фанларнинг ўқитилиш сифати устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.</p> <p>2. Қиз болаларнинг 12 йиллик мажбурий таълимини таъминлаш тўғрисида ота-оналар билан таъсирчан тушунтириш ишларини олиб бориш.</p> <p>3. Эрта никоҳ ҳолатларини барвақт аниқлаш ва ота-оналарга белгиланган тартибда таъсир чораларини кўриш.</p> <p>4. Шаръий никоҳ ўқийдиган</p>	2017 йил октябрь ойидан бошлаб, доимий	Халқ таълими, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, Шаҳар ва туман ҳокимликлари

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
		шахслар ва имом-хатибларни аниқлаш, уларга белгиланган тартибда таъсир чораларини кўриш.		
7.	<p>Худуддаги нотинч, ноқобил, нотўлиқ, муаммоли оилалардаги нотинчлик сабаблари ва муаммоларни аниқлаш, мазкур оилаларга ижтимоий кўмаклашиш ва оиладаги мухитни соғломлаштириш.</p> <p>Мазкур оилаларда вояга етаётган фарзандларга ижтимоий кўмаклашиш чора-тадбирларини белгилаш.</p>	<p>1. Рўйхатга олинган нотинч оилаларни қайта хатловдан ўтказиш, рўйхатларига аниқлик киритиш, мазкур оилаларнинг ҳар бирини соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш.</p> <p>2. Мазкур оилалардаги вояга етмаган фарзандларнинг таълим олиши учун яратилган шароитлар ва оила имкониятларини ўрганиш. Уларнинг назоратсиз қолишини олдини олиш. Дарсларга иштирокчини назоратга олиш. Қизиқишлари асосида турли хил спорт ва фан тўғаракларига жалб этиш. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, “Камалак” болалар ташкилоти етакчиларини бириктириш.</p> <p>3. Эр-хотин, қайнона-келин, қайнона-куёв ва оиланинг бошқа аъзолари ўртасида юзага келган келишмовчиликларни бартараф</p>	<p>2017 йил III-чорак</p> <p>алоҳида режа асосида</p>	<p>“Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, Халқ таълими, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқарамси, Шаҳар ва туман ҳокимликлари</p>

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		<p>этиш бўйича ҳар бир тараф билан якка суҳбатлар олиб бориш, муаммоларнинг туб моҳиятини аниқлаш, ушбу оилаларни муросага келтириш чораларини кўриш.</p> <p>4. Бундай оилаларнинг ҳар бирига маҳалладагинамунали оилалар, маҳалла фаолларидан мураббийлар бириктириш. Ушбу оила аъзоларини маҳаллада ўтказиладиган учрашув, тадбирларга таклиф этиш, “Ота-оналар университети” машғулотларига жалб этиш.</p>		
8.	<p>Худуддаги қонуний никоҳдан ўтмасдан яшаб келаётган оилалар билан иш олиб бориш.</p>	<p>1. Худуддаги қонуний никоҳдан ўтмасдан яшаб келаётган оилалар рўйхатини янгилаб бориш.</p> <p>2. Уларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва қонуний никоҳдан ўтиш чораларини кўриш</p>	<p>ҳар ойда</p> <p>доимий</p>	<p>“Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, Шаҳар ва туман ҳокимликлари</p>
9.	<p>Худудда фоҳиша, фоҳишахона сақловчи, кўшмачилик билан шуғулланувчи фуқароларнинг оилалар ва маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳитга ҳамда фарзандларнинг таълим-тарбиясига салбий таъсир</p>	<p>1. .Фоҳиша, фоҳишахона сақловчи, кўшмачилик билан шуғулланувчи фуқароларни аниқлаб бориш.</p> <p>2. Улар билан якка тартибда профилактик суҳбат олиб бориш. Ҳар бирини муаммоларидан келиб чиқиб, иш билан таъминлаш,</p>	<p>Ҳар ойда</p> <p>2017 йил октябрь ойидан бошлаб, доимий</p>	<p>Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Вилоят ИИБ, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, Шаҳар ва туман ҳокимликлари</p>

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	кўрсатишини олдини олиш.	<p>даволатиш, оиласидаги муҳитни яхшилаш.</p> <p>3. Зарур ҳолларда фуқаролар йиғини кенгашида муҳокама қилиш орқали тарбиявий таъсир чораларини кўриш.</p> <p>4. Хотин-қизлар комиссияси аъзоларини мураббий сифатида бириктириб жамоат ишларига жалб этиш чораларини кўриш.</p>		
10.	Чет элга ишлаш учун чиқиб кетган ва қайтиб келганлар билан ишлаш ҳамда уларнинг фарзандлари назоратсиз қолишининг олдини олиш.	<p>1. Чет элга кетган ва қайтиб келган фуқаролар рўйхатларини доимий янгилаб бориш.</p> <p>2. Чет элга кетган фуқароларни қайтариш чораларини кўриш.</p> <p>3. Қайтиб келганлар билан суҳбатлашиш, тиббий кўрикдан ўтказиш, уларнинг бандлигини таъминлаш.</p> <p>4. Фарзандлари кимнинг қарамоғида эканлигини аниқлаш. Уларнинг таълим-тарбияси учун яратилган шароитни ўрганиш. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, “Камалак” болалар ташкилоти етакчиларини бириктириш, бола фаолияти (дарсларга иштироки, тўғарақларга қамрови) устидан назорат ўрнатиш.</p>	<p>Ҳар ойда</p> <p>2017 йил октябрь ойидан бошлаб, доимий</p>	<p>Хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Бандлик бош бошқармаси, Вилоят ИИБ, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, Шаҳар ва туман ҳокимликлари</p>

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
11.	Аҳоли, айниқса, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш	<p>1 Худудда ишсизлар рўйхатини янгилаб бориш, бунда коллеж битирувчиларига алоҳида эътибор қаратиш.</p> <p>2 Бандликни таъминлаш (ишга жойлаштириш, тадбиркорликка йўналтириш, кредит олишига ёрдам кўрсатиш ва ҳк.) чораларини кўриш.</p>	2017 йил доимий	Бандлик бош бошқармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, Шаҳар ва туман ҳокимликлари
12.	Фуқаролар йиғинларидаги “Ота-оналар университети” машғулоти самарадорлигини ошириш. Ота-оналарнинг фарзанд тарбияси борасидаги ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишга кўмаклашиш.	<p>1. Университет машғулотларига тажрибали ҳуқуқшунос, психолог ва педагоглар, тиббиёт ходимларини жалб этишга кўмаклашиш.</p> <p>2. Университет машғулотларини тизимли ташкил этиш ва таъсирчанлигини ошириш.</p>	алоҳида режа асосида	“Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, Халқ таълими, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, Шаҳар ва туман ҳокимликлари
13.	Янги оила қуриш арафасида бўлган ёшларни “Оиланинг ҳуқуқи ва мажбурияти”, “Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш асослари” бўйича билимларини ошириш.	<p>1. Ёшларга ариза бергандан кейин бир ой муддатда ФХДЁ бўлимларида “Оиланинг ҳуқуқи ва мажбурияти”, “Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш асослари” мавзуси тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича тартиб ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Белгиланган тартиб асосида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш.</p>	2017 йил октябрь Режа асосида	Адлия бошқармаси, Хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Шаҳар ва туман ҳокимликлари

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
14.	<p>Оилавий кадриятларни сақлаш ва ривожлантириш, оилада кайнона-келин муносабатларини мустаҳкамлаш, уларни рағбатлантириш ва муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги ижобий тажрибаларини кенг оммалаштириш мақсадида “Ибратли оила” кўрик-танловлар ўтказиш.</p>	<p>1. Кўрик-танлов низомини ишлаб чиқиш. 2. Низом асосида кўрик-танловнинг ҳудудий босқичларини ўтказиш. 3. Ҳудудий босқичларда ғолиб бўлганлар ўртасида кўрик-танловнинг республика босқичини ўтказиш ва уларни тақдирлаш. 4. Мазкур оилалардаги ижобий тажрибаларни оммалаштириш.</p>	<p>2017 йил октябрь ноябрь декабрь режа асосида</p>	<p>“Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Хотин-қизлар кўмитаси, “Оила” илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, Шаҳар ва туман ҳокимликлари</p>
15.	<p>Оила муқаддаслиги, намунали оилалар ҳаёти, оилавий ажримларнинг салбий оқибатлари тўғрисида вилоят телерадиокомпанияси телеканалларда кўрсатув ва радиоэшиттиришлар ҳамда босма ОАВ газеталарда мақолалар бериб бориш.</p>	<p>1. Бир ойда бир марта кўрсатув тайёрлаш ва эфирга узатиш. Кўрсатувларга соҳа мутахассислари, фуқаролар йиғинларидаги Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича ҳамда Яраштириш комиссиялари ва “Қайноналар кенгаши” жамоатчилик тузилмаси аъзоларини таклиф этиш. 2. Соҳа мутахассислари томонидан ҳаётий мисоллар билан таъсирчан мақолалар бериб бориш</p>	<p>алоҳида режа асосида</p>	<p>Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий Кенгаши</p>

**Мувофиқлаштирувчи вилоят ишчи гуруҳининг ҳар бир маҳалла
учун масъул бўлган кичик ишчи гуруҳи аъзоларининг намунавий
ТАРКИБИ**

1. Туман хотин-қизлар кўмитаси раиси
2. ФХДЁ бўлими ходими
3. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси
4. Маҳалла имом-хатиби
5. Маҳалла фуқаролар йиғининг диний маърифат
ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари
бўйича маслаҳатчиси
6. Ички ишлар бўлими профилактика инспектори
7. Посбон

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини вилоят Адлия бошқармасида
ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун**

МАЪЛУМОТНОМА

2017 йил 28 сентябрь

Наманган шаҳри

Наманган вилояти ҳокимлиги юридик хизмати бош юристконсулти Д.Эрматов, вилоят ҳокимининг “Вилоятда эрта никоҳ, оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, туғилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг туғилишини расмийлаштириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш ҳақида”ги қарори лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказдим.

Ушбу қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21, 22-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2013 йил 1 февралдаги 29-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома (рўйхат рақами 2420, 2013 йил 1 февраль) талабларига асосан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Қарор лойиҳаси вилоятда эрта никоҳ қурувчилар, оилалар ўртасида ажралишлар ва бир неча йиллардан буён туғилиши қайд этилмаган болалар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тобора ошиб бораётганлиги, ушбу ҳолатлар шундай оилалар фарзандларининг хулқ-атвори ва тарбиясига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкинлиги, фуқароларнинг оила ва маҳаллаларда тинч-осойишта ҳамда ҳамжиҳатликда яшашига кўмаклашиш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, оила ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Муродов томонидан 2017 йил 12 июлда Наманган вилояти прокуратурасида ўтказилган йиғилишда қайд этилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасида вилоят ҳокими ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этади, деб белгилаб қўйилган.

Шунга кўра, мазкур қарор лойиҳаси вилоятда эрта никоҳ қурувчилар, оилалар ўртасида ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, туғилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг туғилишини расмийлаштириш бўйича профилактик чора-тадбирларни белгилаш мақсадида тайёрланган ҳамда ушбу қарор қабул қилиниши билан

соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 10-11-сон, 203-модда) ижроси таъминланади.

Қарор лойиҳасининг 1-бандида Вилоят Хотин-қизлар кўмитаси (Х.Юсупова), вилоят адлия бошқармаси (С.Нуриев), фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди (А.Шукуров), вилоят Ички ишлар бошқармаси (А.Тошпўлатов), Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгаши (М.Ходжаев), “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими (И.Нажмиддинов), Республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими (С.Муҳитдинов), Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг вилоятдаги вакили (А.Турсунов) оилавий ажралишларни олдини олиш, шунингдек нотинч оилаларни яраштириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш бўйича таклифлари маъқулланиши, 2-бандида эса вилоятда эрта никоҳ, оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, туғилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг туғилишини расмийлаштириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш бўйича мувофиқлаштирувчи вилоят ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ деб аталади) таркиби 1-иловага мувофиқ; вилоятда эрта никоҳ, оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, туғилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг туғилишини расмийлаштириш бўйича профилактика чора-тадбирлари режаси 2-иловага мувофиқ; мувофиқлаштирувчи вилоят ишчи гуруҳининг ҳар бир маҳалла учун масъул бўлган кичик ишчи гуруҳи аъзоларининг намунавий таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқланиши кўзда тутилган.

Қарор лойиҳасининг 3-бандида Вилоят Ишчи гуруҳининг (Х.Юсупова) асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ишчи гуруҳнинг самарали фаолиятини ташкил этиш ҳамда унинг фаолиятини амалга оширишни мониторинг қилиш;

ишчи гуруҳи фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда иш режаларини тасдиқлаш;

туман ва шаҳар комиссия аъзоларидан эрта никоҳ, оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, туғилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг туғилишини расмийлаштириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш бўйича ҳисоботларни ҳар ойнинг 5 санасига қадар қабул қилиш ва таҳлилий маълумотлар тайёрлаш;

тайёрланган таҳлилий маълумотларни умумлаштирган ҳолда вилоят ҳокимлигига ахборот киритиш ва ҳар чоракда камида бир маротаба ишчи гуруҳ ҳамда комиссия аъзолари иштирокида йиғилишлар ташкил этиш.

Бунда асосий эътибор оилавий ажрим масаласи бўйича ваколатли идораларга мурожаат қилган пайтдан эмас, балки никоҳга кирувчи шахсларнинг никоҳ қайд этилишидан аввал никоҳга кирувчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида доимий равишда профилактик суҳбатлар ва

тарбиявий мазмундаги маърузалар билан иштирок этилишига бирламчи вазифа сифатида қаралиши белгиланган.

Бундан ташқари, мазкур қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги “Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 328-сонли қарори талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси порталида муҳокама қилиш учун 2017 йил 11 сентябрда жойлаштирилган ва 2017 йил 26 сентябрь куни соат 23:59 да муҳокамаси якунланган.

Қарор лойиҳасини порталда муҳокама қилиш жараёнида таклиф ва эътирозлар келиб тушмаган.

Вилоят ҳокимининг “Вилоятда эрта никоҳ, оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, туғилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг туғилишини расмийлаштириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш ҳақида”ги қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу қарор лойиҳаси қонунчилик техникаси талабларига жавоб беради.

Вилоят ҳокимлиги юридик
хизмати бош юрисконсульти



Д.Эрматов



Наманган вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи

С. Нуриев

2017 йил “ 9 ” октябрь

**Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан норматив-ҳуқуқий
ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан
Х У Л О С А**

2017 йил 9 октябрь

Наманган шаҳри

Наманган вилоят адлия бошқармаси Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш шўъбаси мудир О.Рахимов томонидан Наманган вилоят ҳокимининг “Вилоятда эрта никоҳ, оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, тугилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг тугилишини расмийлаштириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш ҳақида”ги қарор лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳақидаги 2017 йил 29 сентябрдаги №01/17-2541-сонли хати ва унга илова қилинган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 21, 22-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низом талабларига асосан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганда қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И:

Лойиҳа “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6, 25-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги “Тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида”ги ПҚ-2100-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 йил, 10-11-сон, 203-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 365-сон қарори

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 15-16-сон, 136-модда; 2007 й., 16-сон, 164-модда; 2016 й., 50-сон, 566-модда) ҳамда вилоятда эрта никоҳ қурувчилар, оилалар ўртасида ажралишлар ва бир неча йиллардан буён тугилиши қайд этилмаган болалар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тобора ошиб бораётганлиги, ушбу ҳолатлар шундай оилалар фарзандларининг ҳулқ-атвори ва тарбиясига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкинлиги, фуқароларнинг оила ва маҳаллаларда тинч-осойишта ҳамда ҳамжиҳатликда яшашига кўмаклашиш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, оила ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддаси, биринчи қисмига асосан ҳоким жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўриши, учинчи қисмига асосан ҳоким режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, вилоят, туман, шаҳар мулкни бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик қилиш, қишлоқ хўжалиги, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиши белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги “Тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида”ги ПҚ-2100-сон Фармони 1-бандида Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда халқимиз табиатига ёт бўлган хунук ҳолатларга зарба бериш, олдини олиш, чек қўйиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, 3-бандида Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси давлат ташкилотлари, маъмурий-ҳуқуқий идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари, мансабдор шахслар томонидан

номаъкулчиликларга йўл қўйилган ҳолатларни амалдаги қонунчилик асосида чуқур ўрганиб, зарур чоралар кўриш вазифаси юклатилган.

“Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасида вилоят ҳокими ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этади, деб белгилаб қўйилган.

Шунга кўра, мазкур қарор лойиҳаси вилоятда эрта никоҳ қурувчилар, оилалар ўртасида ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, туғилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг туғилишини расмийлаштириш бўйича профилактик чора-тадбирларни белгилаш мақсадида тайёрланган.

Қарор лойиҳасининг 1-бандида вилоят Хотин-қизлар кўмитаси, вилоят адлия бошқармаси, фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди, вилоят Ички ишлар бошқармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгаши, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими, Республика маънавий тарғибот маркази вилоят бўлими, Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг вилоятдаги вакили оилавий ажралишларни олдини олиш, шунингдек нотинч оилаларни яраштириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш бўйича таклифлари маъқулланиши, 2-бандида эса вилоятда эрта никоҳ, оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, туғилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг туғилишини расмийлаштириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш бўйича мувофиқлаштирувчи вилоят ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ деб аталади) таркиби 1-иловага мувофиқ; вилоятда эрта никоҳ, оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, туғилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг туғилишини расмийлаштириш бўйича профилактика чора-тадбирлари режаси 2-иловага мувофиқ; мувофиқлаштирувчи вилоят ишчи гуруҳининг ҳар бир маҳалла учун масъул бўлган кичик ишчи гуруҳи аъзоларининг намунавий таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқланиши кўзда тутилган.

Қарор лойиҳасининг 3-бандида вилоят Ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб, ишчи гуруҳнинг самарали фаолиятини ташкил этиш ҳамда унинг фаолиятини амалга оширишни мониторинг қилиш, ишчи гуруҳи фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда иш режаларини тасдиқлаш,

туман ва шаҳар комиссия аъзоларидан эрта никоҳ, оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, туғилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг туғилишини расмийлаштириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш бўйича ҳисоботларни ҳар ойнинг 5 санасига қадар қабул қилиш ва тахлилий маълумотлар тайёрлаш, тайёрланган тахлилий маълумотларни умумлаштирган ҳолда вилоят ҳокимлигига ахборот киритиш ва ҳар чоракда камида бир маротаба ишчи гуруҳ ҳамда комиссия аъзолари иштирокида йиғилишлар ташкил этиш белгиланган.

Шунингдек, асосий эътибор оилавий ажрим масаласи бўйича ваколатли идораларга мурожаат қилган пайтдан эмас, балки никоҳга қирувчи шахсларнинг никоҳ қайд этилишидан аввал никоҳга қирувчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида доимий равишда профилактик суҳбатлар ва тарбиявий мазмундаги маърузалар билан иштирок этилишига бирламчи вазифа сифатида қаралиши белгиланган.

Наманган вилоят ҳокимлигининг юридик хизмати бош юрисконсулти Д.Эрматов томонидан 2017 йил 28 сентябрдаги ҳулосасига асосан ушбу қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги “Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 328-сонли қарори талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси порталида муҳокама қилиш учун 2017 йил 11 сентябрда жойлаштирилган ва 2017 йил 26 сентябрь куни соат 23:59 да муҳокамаси яқунланган.

Мазкур қарор лойиҳасини порталда муҳокама қилиш жараёнида таклиф ва эътирозлар келиб тушмаган.

Наманган вилоят ҳокимининг “Вилоятда эрта никоҳ, оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, туғилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг туғилишини расмийлаштириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш ҳақида”ги қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу қарор лойиҳаси қонунчилик техникаси талабларига жавоб беради.

Юкоридагиларга биноан, вилоят ҳокимининг норматив-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган қарор лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича

ХУЛОСА ҚИЛИНДИ:

Наманган вилоят хокимининг хокимининг “Вилоятда эрта никоҳ, оилавий ажралишларни олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш, тугилиши қайд қилинмаган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг тугилишини расмийлаштириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш хақида”ги қарор лойихаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилганлиги ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги қайд этилсин.

**Юридик хизматларнинг фаолиятини
мувофиқлаштириш ва методик
таъминлаш шўъбаси мудири**


О. Рахимов